

Йўлдошева Мунира Қалимбат қизи: *“Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни”*.
(5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)).

Илмий раҳбар: и.ф.н., Зайнутдинова У.Ж.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрни ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамда такомиллаштириш йўллари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари:

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг иқтисодий мазмунига бўлган қарашлар эволюциясини ўрганиш;

– иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда рақобатнинг турли усуллари ҳамда модернизациялашга йўналтирилган назарий концепцияларни татқиқ этиш;

– мамлакатимизда миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган миллий хўжаликлар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва уларни мамлакатимизда татбиқ этиш юзасидан зарурий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш;

– республикамизда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрнини асослаш ва такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.